● *Бошқарувдаги янгиликлар, тажрибалар*

# ТАЪЗИМДАМИЗ, ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ

**Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида энг биринчи навбатда меҳнаткаш, захматкаш, қўли қадоқ инсоннинг кўнглини олмай, ҳасратига шерик бўлмай, қадрламай, меҳр, мурувват, оқибатни эъзозламай мақсадга эришиб бўлмайди. Тошкент райони ҳокимлиги одамлар билан ишлашда, муомалада, муносабатда ўз фаолиятида ана шу йўлдан оғишмай дадил бормоқда ва айтиш мумкинки, салмоқли натижаларга эришмоқда.**

**БИР ПИЕЛА ЧОЙ УСТИДА**

Ҳокимликнинг мажлислар залига қадам қўйилгач даъфатан иккиланиб қолдик: ўриндиқлар ўрнига стол-стуллар қўйилиб дастурхон тузалиб, турли хил ноз-неъматлар билан безатилган эди. Бизни қурултой бўлади, деб таклиф қилишган эди-ку, ёки янглишиб келиб қолдикми?!

— Мен хизмат юзасидан турли йиғинлар, мажлисларда бўлганимда шу нарсани кўп кузатдим. Одамлар баъзан маърузани тингламайдилар, ким сўзга чиқяпти, нима деяпти, ишлари ҳам бўлмайди. Зерикиб, эснаб, мизғиб ўтирувчилар ҳам бўлади. Нега шундай? Равшанки, бири-бирини қайтарувчи маърузалар, баландпарвоз ваъдалардан иборат нутқлар, гап-сўзлар одамларнинг меъдасига тегиб кетди. Мажлисбозлик кўнгилга урди. Шунинг учун бу галги қурултой йиғилишини янгичасига ўтказишга аҳд қилдик, бир пиёла чой устида эркин, дилдан суҳбат қурамиз.

Район ҳокими Рустам Акбаровнинг бу гаплари очиғи менга ҳам маъқул бўлди. Қурултойнинг шу таҳлитда ўтказилиши кўпчиликка хуш ёқди, катта таассурот қолдирди.

Ҳақиқатан ҳам расмий маъруза бўлмади. Одамлар билан бирга, бир сафда ўтирган ҳоким сўзга чиқиб, қисқа, лўнда гапларни айтди. Ўтган йили сабзавот, картошка режаси бажарилди. Гўшт етиштириш ҳам уддаланди. Лекин сут бажарилмади. Кўпгина хўжаликларда чорвачилик зиён келтирди. Ўзингиз ўйланг. Хонадонда чорва боқилади-ю, нега уларда зиён ўрнига фойда кўрилади. Демак, фермада ҳам шундай қилиш имконияти мавжуд. Хўжаликларда зарар келтирадиган ферма йўқ аслида. Раҳбарлар зарар келтиришмоқда. Борйўғи беш-олти литр сут берадиган сигирни сақлаш, албатта, зиён-да! Эс-хушимизни ўз вақтида йиғиб, устимизга вақтида кўрпа тортайлик, бўлмаса оёғимиз шамдек қотади! Ўзинг учун ўл етим, дейдиган нақлга энди қатъий амал қиладиган пайт келди. Хўжаликларга мустақиллик берилди, кенг имкониятлар мавжуддир. Энди бир вақтлардагидек ОРК маҳсулотимизни олмаяпти, нима қиламиз, деган гаплар йўқ энди. Маҳсулот етиштирдингми, мўлжалдагини топширдингми, қолганини ўзинг тасарруф қилавер, ҳар бир хўжаликда қайта ишлаш корхоналари — қўшимча даромад манбаларини қуриш керак! Биз далага кетмон олиб чиқиб ишлашни унутиб қўйдик. Дарахтлар буталмаган, токлар кесилмай қолган хўжаликлар ҳам борлигини қандай баҳолаш керак?!

Ҳоким биз палончи сўзга чиқсин, фикрини айтсин, деб мажбур қилмаймиз, чиқмасанглар ҳам майли, суҳбатлашиб ёзилиб ўтиринглар, деди.

Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси Сидиқжон Муҳаммаджонов ўтирган жойида сўз олади.

— Ана шундай қийин шароитда имконият топиб, деҳқонларни кўнглини олиб, дилини хушлаганлиги учун ҳокимиятга катта раҳмат, деди у. Биз ана шунга яраша ишлашимиз керак. Тўғри айтилди бу ерда. Эндиликда даладаги ҳосил билан колхозчини боқиб бўлмайди. Иложи борича маҳсулотни қайта ишлашимиз керак биз шундай қилмоқдамиз. Бу йил кам деганда 150 миллион сўм соф даромад олишни ва ҳар бир жамоа хўжалиги аъзосининг ўртача ойлик маошини 8—9 мингга етказишни мўлжаллаб қўйдик.

Шу кунги бир пиёла чой устида бўлиб ўтган суҳбатда инсон меҳнатининг қадр-қиммати хусусида алоҳида, самимий гаплар айтилди. Мунаввар Исоқова, Зокир Камолов, Тожибой Султонов, Ҳакимбек Адакбеков, Ҳоким Ҳосилов, Мукаррам Юнусова, Ислом Баҳромов, Темир Собиров, Пайшин Эшонқулов, Нозим Эшонов, Мирҳамид Йўлдошев сингари меҳнат фахрийларининг номлари катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинди уларга мукофотлар топширилди.

Деҳқонларга ош тортилди, кабоб қўйилди, районнинг ҳаваскорлари, таниқли санъаткорлар хизматда бўлдилар.

Чамаси икки соат давом этган бу дилдан ўтказилган суҳбат чоғида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари вакиллари чарчоқларини тарқатиб, ёзилиб хумордан чиқдилар. Уларнинг янги йил ҳосилини баракали бўлишини таъминлашларига тилаклар билдирилди, оқ фотиҳа берилди.

**РУҲЛАРИ ШОД ЭТИЛДИ**

Эртасига худди ана шу ерда, ана шу мажлислар залида кечагидек тўкин дастурхон атрофида яна бир хайрли ва савобли тадбир ўтказилди.

Бугун бу ерга афғон урушида қатнашганлар, Чернобил фожиасининг гувоҳи бўлган йигитлар, шунингдек, афғон урушида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари таклиф этилган эди.

Бу ерда бурч, она-Ватан қадр-қиммати, инсонийлик, садоқат, ҳиммат ва олижанoблик ҳақида суҳбат бўлди.

Афғон уруши ҳақиқатан ҳам халқларимиз, шу жумладан район меҳнаткашлари қалбида жароҳат изларини қолдирди. Албатта, урушдан урушнинг фарқи бор. Буни ҳаммамиз биламиз. Улуғ Ватан уруши — қаҳрамонлар, ҳаёт-мамот уруши бўлганди. Бу урушда бизнинг оталаримиз, акаларимиз, укаларимиз ўзларининг жонажон юртлари, укалари, сингиллари, ёрбиродарлари учун жанг қилдилар. Лекин афғон уруши бемақсад уруш бўлди. Азият чеккан оила аъзолари шуни яхши билиб қўйишлари керакки, бу урушларнинг, бу нохуш воқеаларнинг ўз сабабчилари бор. Укаларимиз ноҳақ урушда ноҳақ қурбон бўлдилар. Увол бўлдилар. Лекин илож қанча! Қолганлар, уларнинг ота-оналари, укалари, сингиллари омон бўлишсин! Ҳалок бўлганларнинг эса жонлари жаннатда бўлсин!

Қуръон тиловат қилинди.

Халқ — бу ҳокимиятдир, деб айтилди. Демак, биз ҳамиша халқ билан биргамиз, халқ билан ҳамдардмиз.

Сизга сабр-тоқат, тилаймиз. Чидам ато этсин. Хонадонингизда бўладиган ҳар бир ишга ҳамкормиз. Қўлдан келган ёрдамимизни аямаймиз. Кўрган-кечирганларингиз шу бўлсин, ҳаётингизнинг қолган қисми ҳамиша ширинлик билан, яхшилик билан ўтсин!

Афғон урушида 296 киши қатнашиб, улардан ўн киши ҳалок бўлганлиги айтилди. Мана улар: Саъдулла Аширбоев, Дилшод Валиев, Абдушукур Хошимов, Ҳалолиддин Эрназаров, Ҳабибулла Исоқов, Аъзам Каримов, Рашид Ғаниев, Илҳом Юсупов, Эгамберди Тўхтаназаров, Шавкат Исмоғиловлар...

Уларнинг номлари абадийлаштирилади. Улар ўқиган мактабда бурчаклар ташкил этилади. Расмлари қўйилади, хотираси доимо ёдда бўлади. Тарбия топган боғчасида ҳам ана шундай бурчаклар ташкил этиш кўзда тутилади. Ҳоким ўз сўзида ўн кун ичида ана шу ишлар амалга оширилажагига кафолат берди. Бу ишга кўпроқ қишлоқ кенгашлари масъул эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш қатнашчиларининг ҳурмати жойига қўйилди. Фарзандлари ҳалок бўлган хонадон соҳибларига таскин берилди, пул мукофотлари тақдим этилди. Умуман, шу куни афғон уруши ва Чернобил фожиаси қатнашчиларига ҳам совғалар топширилди. Бундай саховат, ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Хайрли тадбир ҳар бир кишининг қалбида ҳаётга меҳр-муҳаббат, келажакка ишонч ҳиссини уйғотди.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## ХАЛҚАРО УЮШМАГА АЪЗО

**Ўзбек геолог ва геофизик олимлари фан тараққиётига салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Геология ва минерал ресурслар Ўзбекистон Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тадқиқотлар мажмуига биноан илмий-амалий кузатишлар кўлами янада кенгайди.**

**Бошланган тадқиқотларнинг бир қанчаси яхши самаралар бермоқда. Шулардан айримлари энг яхши илмий маъруза лар сифатида Халқаро геология конгрессига тақдим этилди. Японияниинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган бу анжуманда ана шу илмий чиқишларга юқори баҳо берилди.**

**Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, ўшбу конгрессда халқаро геология уюшмасига янги аъзолар қабул қилинди. Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси ҳам якдиллик билан халқаро уюшманинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.**

**А. АЛИЕВ.**

# ПЕНСИОНЕРЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ

*Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?*

**Республикамиз Президенти бозор иқтисодиёти шароитида пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий турмуш шароитларини яхшилаш учун кейинги икки-уч йил ичида қатор Фармонларга имзо чекди. Шу йил 25 августда чиқарилган «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармон ана шундай хайрли тадбирлардан энг асосийси бўлди.**

**Маълумки, Тошкент вилояти республикамизда энг кўп пенсионер истиқомат қилаётган вилоятлардан бири. Вилоятда 275 минг 500 нафар пенсионер, шу жумладан 7631 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 5 мингдан ортиқ уруш ногирони ва 5206 нафар ёлғиз қария яшамоқда. Президент Фармонлари кўпроқ шу каби кам таъминланган, ночор кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган.**

**Яқинда жамоатчи мухбиримиз Эшонқул Ҳайдаров вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Н. Н. НАЗИРОВ билан суҳбатлашиб, Президент Фармонларининг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилаётганлиги хусусида батафсил сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— 1992 йил, 25 августда чиқарилган Президент Фармонига мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз — кўплигига ҳамда хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилди. Бунда мазкур Фармонда назарда тутилган энг оз миқдор асос қилиб олинади. Шундай қилиб, нафақа ва пенсиялар тайинлашда шу кунгача амал қилиб келинган бир текисчиликка барҳам берилди. 1992 йилнинг 27 июнида матбуотда эълон қилинган Фармонга асосан меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори 1000 сўм, уруш ногиронлари ва қатнашчилари нафақаси эса 1300 сўмга етказилган эди. Кейинги Фармонга мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан республикамизда нафақанинг энг кам миқдори 1250 сўм этиб белгиланди. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва ногиронлари учун эса нафақанинг энг кам миқдори ойига 1300 сўмдан 1600 сўмга оширилди. Учинчи тоифа уруш ногиронларининг нафақаси энг кам миқдори 1250 сўм бўлди.

**— Сиз юқорида нафақаларнинг табақалаштирилган миқдори дедингиз?**

— Ҳа, бизда ўтган йилнинг биринчи сентябридан бошлаб пенсияларнинг табақалаштирилган миқдори амалга киритилди. Бу ўтган давридаги иш ҳақларини қайтадан кўриб чиқиш, иш ҳақларини нафақа тайинланган ва қайта ҳисобланган йилларга боғлиқ равишда тузатувчи коэффициентларга оширишни назарда тутади. Авваламбор, бу иш ҳақи миқдори нафақанинг қайси йили тайинланганлигига ва қайта ҳисобланганлигига боғлиқдир. Янгидан ҳисобланган иш ҳақи миқдоридан янги нафақа миқдори ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади.

Масалан, 1992 йилнинг иккинчи ярмидаги ўртача иш ҳақи 1975 йилдаги ўртача иш ҳақидан 19,1 марта кўп ёки 1988 йилдагига нисбатан 14,4 баравар ортиқни ташкил этади. Гап шундаки, амалдаги қонун доирасида ва унинг тартиб-қоидаларини сақлаган ҳолда, ўтган йилларнинг иш ҳақларини замонга мослаштириш, бинобарин нафақа миқдорларини ҳам замонавийлаштириш лозим бўлади. Хўш, «тузатиш коэффициент»лари кимларга нисбатан қўлланилади? Бундан икки гуруҳ нафақа олувчилар: биринчидан, 1992 йил 1 январгача меҳнат нафақасига чиққан ва шу давр ичида нафақасини юқорироқ иш ҳақидан қайта ҳисоблатганлар, иккинчидан, 1992 йилда меҳнат пенсиясига чиққан ва юқори иш ҳақидан нафақаларини қайта ҳисоблатган кишилар фойдалана оладилар. Яна аниқроқ қилиб айтганда, 1992 йил 1 январигача меҳнат нафақасига чиққан ва қайта ҳисоблатган нафақадорларнинг ўртача иш ҳақлари нафақага чиққан ёки охирги қайта ҳисоблатган йилларига мос келган тузатувчи коэффициентларга кўпайтирилади. Шу тариқа «замонавийлаштирилган» иш ҳақи юзага келади.

Вилоятимиздаги туманлардан бирида истиқомат қилувчи Ўрмон Отабоевга 1985 йилда 190 сўмлик иш ҳақи ҳисобидан қарилик пенсияси тайинланган эди. Меҳнат стажи 30 йил. Бу киши ҳар ойда 1000 сўм нафақа олаётганди. Тузатиш коэффициенти билан ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи 3021 сўмдан иборат бўлади. Яъни: 190×15,9 — 1985 йил коэффициенти. Унинг 30 йиллик меҳнат стажи ҳисобига меҳнат нафақаси иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида ҳисобланади. Натижада Отабоевнинг нафақаси 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб 1812 сўм 60 тийинни ташкил этади ва ҳоказо.

**— Фармонни амалга ошириш анча-мунча қийинчилик туғдиргандир, қайта ҳисоблаш жараёни осон кечмагандир?**

— Ҳа, кўп машаққат чекишга, зўр бериб ишлашга тўғри келди. Соҳамизнинг ўзи шунақа — мураккаб, бу жойда қирқига чидаб, қирқ бирига ҳам бардош берадиган одамларгина ишлай олади. Ҳар бир Фармондан кейин ҳар битта нафақачининг пенсиясини тийин-тийинигача қайта ҳисоблаб, эгаларига ўз вақтида етказиб беришимиз керак. Президентнинг кейинги Фармони асосида вилоятимизда истиқомат қилаётган 275 мингдан зиёд нафақачининг аввалги иш ҳақи ва иш стажларини қайта ҳисоблаб чиқдик. 85 фоиз пенсионер сентябрь ойидаёқ белгиланган муддатдан анча илгари олишга муяссар бўлди. Пенсионерларни маҳтал қилиб қўймаслик — ранжитмаслик учун шанба-якшанба кунлари ҳам тер тўкиб ишлашга тўғри келди. Тизимимиздаги қарийб 500 ижтимоий таъминот ходими, 400 тадан ортиқ алоқа бўлими кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Ўрта Чирчиқдан Зулфиқор Акимбеков, Бўкадан Абдураҳим Маматқулов, Оҳангарондан Қўчқор Толибов, Бекободдан Ким Рада, Чиноздан Турдиали Ғаппоровлар, айниқса жонкуярлик қилишди. Ана шундай хайрли ишда ўз ёрдамларини аямаган вилоят ва туман, шаҳарларнинг ҳокимларига алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Улар Фармонда кўзда тутилган тадбирларни тезроқ рўёбга чиқаришда биз билан бирга бўлиб, барча машаққату қийинчиликларни баҳам кўришди. Жойлардаги ҳокимликларнинг ташаббуси билан 800 минг сўм миқдорида рағбатлантирувчи пуллар олдик. Хуллас, пенсия ва нафақаларни мумкин қадар тез ва бехато ҳисоблаб чиқиб, бу билан пенсия тўлашда узилишга йўл қўймаганимиздан, пировардида қариялар ва ногиронларнинг дуосини олганимиздан кўп хурсандмиз.

**— Президентнинг ушбу Фармонидан кимлар кўпроқ манфаат кўришди?**

— Биз йил бошида вилоятимиз бўйича пенсионерларга 200 миллион сўм пул тарқатган бўлсак, ҳозирга келиб 800-900 миллион сўм атрофида нафақа пуллари тўлаяпмиз. Дарвоқе, ҳукуматимиз Чернобил ҳалокати жабрдийдалари ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчиларга алоҳида диққатни қаратмоқда. Бизда 15 минг уруш қатнашчиси ва 569 нафар Чернобилда азият чекканлар ҳисобда туради. Уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бири бугунги кунда ҳар ойда 7 мингдан тортиб 15 мингтача, Чернобилчилар эса 3 мингдан то 50 минг сўмгача нафақа пули олишмоқда. Уларга бериб қўйилган бошқа қатор имтиёзлар бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Албатта, маънавий зарарни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Қаранг, Янгийўл шаҳрида Александр Тришчев деган одам яшайди. У оддий тракторчи эди. Чернобилга бориб иккинчи тоифа ногирони бўлиб қайтди. Нурни кўп ютган экан. Шунга 41 минг сўм нафақа тайинланган. Кўнгли яримта одамни битта боласи билан хотини ҳам ташлаб кетибди. Бундай кишиларга моддий ва маънавий кўмак беришимиз шарт! Ўзбекистон ҳукуматининг одил сиёсати туфайли уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиляпти, ҳар томонлама эъзозланиб, иложи борича қўллаб-қувватланмоқда.

**— Ҳозирги вақтда ногиронларга ва қарияларга қараб турган, бола парваришлаган, шунингдек меҳнат стажига эга бўлмаган кишиларга ҳам нафақа тўланмоқда. Фармон бўйича уларнинг нафақалари ҳам ошдими?**

— Ошди. 20 минг кишига ижтимоий пенсиялар тўлаяпмиз. 1992 йил 1 сентябрдан энг кам меҳнат нафақаси кўпайиб, 1250 сўмга етгани муносабати билан ижтимоий нафақалар миқдори ҳам 1000 сўм бўлди. Шунингдек, бола парвариши билан банд бўлган қаҳрамон оналар 2 минг сўмдан, 16 ёшгача бўлган I-II гуруҳ болаликдан ногиронларнинг нафақаси 2 минг сўмга етказилди. Буни аввало Ўзбекистон Президентининг марҳамати десангиз ҳам бўлади. Вилоятимизда қарийб 5 минг меҳнатга яроқсиз қария бор. Шунинг 3 мингдан ортиғи махсус хизматга муҳтож қариялардир. Республика Президентининг «Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан уларга ҳар томонлама қулайлик яратиб берилмоқда. Масалан, ҳозир вилоятда 60 та ижтимоий хизмат кўрсатиш бўлинмаси, 8 та ҳудудий марказ меҳнатга яроқсиз ёлғизларга моддий ва маънавий хизмат кўрсатмоқда. Қарияларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида Оққўрғон, Оҳангарон, Янгийўл, Қибрай, Чиноз туманларида, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳарларида қўшимча ижтимоий хизмат бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек 9 та «Меҳрибонлик» салони, нархи арзонлаштирилган кийим-кечаклар дўкони очилди. 400 нафардан зиёд ёлғиз қария бепул овқатлантирилмоқда. Ижтимоий хизмат ходимлари қарияларнинг уйларида бўлишади, улар озиқ-овқат тайёрлаш, дори-дармондан тортиб уйларини супуриб-сидиришгача бўлган барча ишларни ўз зиммаларига олишган. Бу соҳада ёлғизларнинг жуда катта хайрихоҳлиги ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган Шоҳида Рустамова, Муҳаббатхон Ҳошимова, Асалой Турсунмуродова, Шоира Шерназарова, Надежда Гобецларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Вилоят касаба уюшмаси, «Меҳрибонлик» жамияти мақсадли хизматлар учун 150 минг сўм, туман ва шаҳар ҳокимликлари эса 178 минг сўм маблағ ўтказди. Оталиқ ташкилотлари ёлғиз кишилар, кўп болали оналар, кам таъминланган оилаларга катта ҳиммат кўрсатишмоқда. Жами 66 минг сўмлик 18 бош сигир уларга бепул берилди. Тошкент ҳокимлиги республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси билан ҳамкорликда 138 нафар муҳтож кишиларга 10 минг 700 сўм миқдорида совға буюмлари ҳадя этди. Ўрта Чирчиқда кўп болали оилаларга 24 бош бузоқ, Бўстонлиқда қишлоқ кенгашлари 218 кишига 10800 сўм пул тақсимлаб берди. Ўзбекистон металлургия заводи пенсионерларга умумий суммаси 27 минг 700 сўм бўлган тақчил идиш-товоқ, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги кам таъминланганларга 370 минг сўм пул ажратди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, тирикчилиги нафақа билан ўтаётган кишиларни бозор зарбаларидан омон сақлаб қолиш учун барча имконият ва воситалар ишга солинмоқда.

**— Дарҳақиқат, Нажим Назирович, Ўзбекистон раҳбарияти ҳозирги оғир шароитда республика аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун имкони бор барча тадбирларни кўрмоқда. Президентнинг 1993 йил 1 январдан бошлаб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, нафақалар, талабалар оладиган стипендияларни 1,25 марта кўпайтириш тўғрисидаги Фармони ҳам шу йўлдаги хайрли ишлардан бири бўлди. Шу ҳақда икки оғиз гапириб берсангиз?**

— Ана шу Фармонга асосан Ўзбекистонда тўланаётган энг кам ўртача иш ҳақи ва нафақанинг миқдори 2 минг сўмдан 2500 сўмгача кўтарилди. Бу республикамизда яшовчи 2,5 миллион пенсия олувчининг, жумладан бизнинг вилоятимизда 280 минг пенсионернинг турмуш шароити анча яхшиланишига хизмат қилади. Талабаларнинг стипендияси 2020 сўмга етказилди, эндиликда 2500 сўмгача бўлган иш ҳақидан ҳеч қандай солиқ олинмайди. Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, вилоятимизда ана шу фармонга дахли бор барча фуқаролар оширилган миқдорда нафақаларини ола бошладилар.

Энди Фармонга кенгроқ нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар фақат 1993 йилнинг ўзида 60,2 миллиард сўмни ташкил этади. Бу маблағнинг 35,7 миллиард сўми давлат бюджетидан, 24,5 миллиард сўми эса нафақа фойда ҳисобидан қопланади. Кўриниб турибдики, Президентимиз мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида қўлдан келган ҳамма чора-тадбирларни ишга солмоқда. Энг муҳими, юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлсин.

**— Нажим Назирович, ижтимоий таъминот ходимларининг моддий таъминоти, уларни маънавий рағбатлантириш қандай амалга оширилмоқда?**

— Кўп қатори ойлик маошларимиз ошди, эл қатори уй-жойларга навбатда турибмиз, одамлар сингари еб-ичаяпмиз... Бу масаланинг бир тарафи. Иккинчи тарафдан, ижтимоий таъминот соҳасида ягона тартиб-қоидани жорий этмоқ лозим. Гап ҳар хил қарор, фармойишларни кўпайтириш ҳақида эмас, Ўзбекистон фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисидаги ягона қоидани тезроқ ишлаб чиқиш тўғрисида бормоқда.

Пенсия таъминотида ишлаётганларнинг иш шароитлари ҳам, олаётган иш ҳақлари ҳам талабга жавоб бермайди. Вазирлик тизимида компьютерлар, электрон ҳисоблаш машиналари йўқ ҳисоби. Уруш ва меҳнат ногиронларига маданий-маиший қулайликлар яратишга ҳам эътибор кам. Масалан, биргина бизнинг вилоятда 500 уруш ва байналмилалчи жангчи-ногиронлар бепул машиналар олишга навбатда туришибди. Лекин бундай машиналар бозор баҳосига қўйилган, уларни сотиб олишга эса маблағ етмайди. Баъзан ҳайрон қоласиз: бир томондан имтиёзлар белгиланади, иккинчи томондан сунъий ғовлар яратилади...

Хуллас, биз ҳамон эскича ишлаш усулларидан воз кечганимиз йўқ. Соҳамизда маъмуриятчилик, одамларга ва ишга тўраларча муносабат давом этмоқда. Вазирликдан юборилаётган ҳар хил самарасиз қоғозлар, қарорларни кўпайтиришдан мақсад нима-ҳеч ким тушунмайди. Демоқчиманки, кадрларга ишонч, сўз ва иш бирлиги таъминланмас, ўзаро ҳамкорлик қарор топмас экан, бизнинг соҳада туб бурилишларга эришиб бўлмайди.

**Суҳбатдош:**
**Э. ҲАЙДАРОВ.**

# ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН БЎЛСИН

ЙЎЛ хўжалигининг иқтисодиётда тутган мавқеи беқиёслиги ҳаммага маълум. Юзлаб, минглаб шаҳарлару қишлоқларни бирбирига туташтиради, халқимиз узоғини яқин қилади. Бамисоли сонсиз-саноқсиз қон томирларига ўхшайди.

Йўлинг равон бўлса машаққатинг оз бўлур, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак бугунги кунда вилоятимиздаги катта-кичик, айниқса, шох йўлларнинг аҳволи қандай? Уни яхшилаш учун нималар қилиш керак? Бу ва шунга ўхшаш бошқа масалалар куни кеча ҳокимликда бўлиб ўтган кенгашда атрофлича муҳокама қилинди. Унда шаҳарлар ва районлар ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ва районлар йўл қурилиши бошқармалари бошлиқлари, «Ўзавтойўл» давлат концернининг раҳбар ходимлари, пудратчи қурилиш ташкилотлари ходимлари, йўл қурилиши ва ундан фойдаланишга дахлдор бўлган қатор корхоналар ва ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Кенгашни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Л. П. Терновых олиб борди.

Кенгашда маъруза қилган Тошкент вилоятида автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши раиси Б. Алимов ва сўзга чиққанлар шуни таъкидладиларки, ҳозирги оғир иқтисодий шароитларга, қурилиш материалларининг нарх-навоси кескин ошганига қарамай вилоят йўлларининг ҳолатини яхшилашга қаратилган ишлар ҳали ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Биргина ўтган йили ўнларча километр шох йўллар таъмирланди, кўплаб кўчалар тартибга келтирилди, кенгайтирилди, улар йўл ҳаракатини тартибга солувчи турли хил мосламалар билан жиҳозланди.

Ўтган йили қурилиш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг қайта ташкил этилиши айни муддао бўлди. Олдинги тарқоқ, масъулияти аниқ белгиланмаган ташкилотлар ўрнида аниқ бир ҳудудда шундай ишларни олиб борувчи, яъни ҳар бир шаҳар ва туманда ягона бошқармалар тузилди. Бу тизим ўзини оқлади. Аввало улар бевосита ҳокимликларга бўйсунди, улар олдида ҳисобот берадиган қилиб қўйилди. Бу билан уларнинг масъулияти ошди, айни вақтда ҳар бир шаҳар ва туманда корхоналар, ташкилотлардан олинадиган йўл солиғи улар ихтиёрида тўла қолдириладиган бўлди. Бундай маблағлар фақат йўл қурилиши ва таъмирланиши учун сарфланади. Ҳокимликлар ҳам ўзларининг бундай бўлинмаларини мустаҳкамлаш, уларга ёрдам бериш билан шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ўтган йили катта ҳажмдаги йўл қурилиши ва тузатиш ишлари амалга оширилган экан бунда бўлинмалар қайта тузилишининг муайян ижобий таъсири сезилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДА**

Кенгашда вилоятдаги кўпгина йўллар транспортнинг қатнаш зичлигига жавоб бермай қолганлиги, ҳолати талабдан узоқлиги, уларни таъмирлаш ишларининг, айниқса, сифати ёмонлиги, бу охир-оқибатда транспорт ҳаракатига салбий таъсир қилаётганлиги, ажратилган пул маблағлари ҳамма жойда ҳам тўла ўзлаштирилмаётганлиги, йўл қурилишини олиб бораётган бошқармаларнинг айримлари ўзига тегишли маблағни банклардан олишда турли тўсиқларга дуч келаётганлиги ва бошқа камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидланди.

Бу йил вилоят йўл қурувчилари ва таъмирловчилари олдида турган катта вазифалар муваффақиятли уддаланиши учун шундай камчиликлар бартараф этилиши муҳимлиги уқтирилди. Йил давомида шох йўлларнинг 159 километрини тўла таъмирлаш назарда тутилмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан бир неча баравар кўпдир. Республика «Йўл жамғармаси»ни тузиш масаласи ҳал қилинмоқда. Вилоят жамғармасига бир миллиард сўмга яқин маблағ тушиши кутиляпти. Бу йўл қурилиши ва тузатиш ишини маблағ билан таъминлашни, шубҳасиз, яхшилашга олиб келади.

Ҳар бир бошқарма муқим меҳнат жамоасини сақлаб қолиши, малакали ишчи-хизматчиларнинг қадрига етиши, умуман йўл қуришдек хайрли ва савобли иш билан шуғулланаётган кишиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш, ҳозирги оғир турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш учун барча имкониятларни ишга солиш, чунончи ёрдамчи хўжаликлар, чорвачилик фермалари, мевали боғ-роғлар, экинзорлар ташкил этиш, бунинг учун маблағ ажратилиши лозимлиги ва бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон яқинда Америка конгресси иккала палатасининг биргаликда ўтказилган мажлисида нутқ сўзлади. Президент мазкур мажлисда ўзининг «Янгича йўл» деб аталган дастурини баён этди. Бу ҳужжат энг муҳим тўрт қоидага асосланади. Биринчидан, деди президент, у қисқа муддатли федерал сармоялар дастури ҳамда янги иш жойлари барпо этишга, шунингдек, америкаликларнинг даромадини оширишга, маблағ ажратишнинг узоқ муддатли дастури воситасида иқтисодий тангликни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди. Иккинчидан, ўтмишдаги сафсатабозликка барҳам бериб, гап ўрнига иш билан шуғулланишимиз, америкаликлар ва уларнинг оилалари меҳнатини қадрлашимиз лозим. Учинчидан, федерал бюджет камомадини анча қисқартиришни кўзда тутяпмиз. Ниҳоят, тўртинчидан, Америка халқининг ишончини қозониш учун ҳукумат харажатларини озайтириш ва иш самарадорлигини оширишни ўйламоқдамиз.

● ХИТОЙ Халқ Жумҳурияти навбатдаги савдо-саноат ёйма бозори уюштиришга қарор қилди. Харбин шаҳрида очиладиган бу бозорга Россия, МДҲдаги давлатлар, шунингдек, Япония, АҚШ, Мўғулистон, иккала Корея нинг ишбилармонлари таклиф этилади. Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, 15 июнда иш бошлайдиган мазкур ёйма бозорда қатнашиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ илтимосномалар юборилиши керак.

● ЗАМБИЯ билан Хитой ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақида иккита битим имзолаш ниятида турибдилар. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар қилишига қараганда, Замбия Президенти Фредерик Чилуба билан мазкур мамлакатга ташриф буюрган ХХЖ ҳарбий делегациясининг раҳбари полковник Ли Шаоминнинг Лусака шаҳридаги учрашувидан сўнг юқоридаги мазмундаги хабар пайдо бўлди.

● ҚОҲИРАДАН олинаётган хабарларга қараганда, араблардан босиб олинган Ғазо минтақасида Исроил қўшинлари тинч аҳолига нисбатан ракеталар ҳамда оғир тўпларни ишга солаётганини Миср Араб Жумҳурияти ташқи ишлар вазирлиги қаттиқ қоралади. Вазирликнинг мазкур масалага бағишланган махсус баёнотида «Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларда тинч аҳолидан, айниқса, кексалар, аёллар ва болалардан ўч олишнинг бу усуллари ҳанузгача қўлланилмаган эди», деб таъкидланди. Бу ваҳшиёна ҳатти-ҳаракатлар Араб — Исроил музокараларини ҳамда Яқин Шарқдаги бутун сулҳ жараёнини давом эттиришни хавф остида қолдириши ҳам мумкин.

● ДЕЯРЛИ барча халқлар сўзлашув мақомида соч билан ақл ўртасидаги боғлиқликка ишора тарзидаги гаплар мавжуд. Аммо, ҳанузгача бирон-бир ерда бу муаммога тааллуқли тадқиқот ўтказилмаган. Бироқ, америкалик Бостон дорилфунуни олимлари соч ва бош устида тадқиқотлар олиб бориб, сочнинг тўкилиши билан юрак хасталиклари ўртасида боғлиқлик борлигини аниқладилар. 21 ёшдан 55 ёшгача бўлган бир ярим мингдан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Олимлар сочи тўкилиб кетган эркаклар сочи қалин ҳамжинсларидан юрак хасталигига уч марта кўпроқ дучор бўлишини аниқладилар. Олимлар бундан деярли 25 йил муқаддам соч тўкилиши билан юрак фаолияти ўртасида боғлиқлик борлигини таъкидлашган эди. Аммо улар бу боғлиқликнинг сабабларини тушунтириб бера олмаётирлар.

● АРГЕНТИНА ҳукумати яқин беш йил ичида армиядаги аскарлари сонини 20 фоиз қисқартиришни режалаштирмоқда. Бу хабарни Чилида чиқадиган «М..ркурио» рўзномаси босиб чиқарди.

